



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 86 (12.647)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Ўлган сурат

2014 йил — Соғлом бола йили

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН БЕЖИРИМ КИЙИМЛАР

«Бозорларимиздаги фойз-баракага ҳавасингиз келади. Озиқ-овқат маҳсулотларини-ку санаб тутатолмайсиз. Кийим-кечакларни айтмайсизми? Бежирим тикилган, бир-биридан чиройли кийимларнинг қай бирини танлашни билмай овора бўласиз. Айниқса, болалар учун ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар ота-оналарга манзур бўлмоқда».

Бу Чилонзор туманида яшовчи Малика Қодированинг савдо дўконларида халқ истеъмоли маҳсулотлари кенг ўрин эгаллаётгани, уларнинг ранг-баранглиги кўзни қувонтираётгани ҳақида айтган фикрлари.

Либос — инсон зийнати. Бугун халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг кийинишга, кийим танлашга бўлган эътибори, эҳтиёжи ва талаби тобора юксалиб бормоқда. Шу боис халқимизнинг ўсиб бораётган талабини юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар ҳисобидан қондириш муҳим вазифадир. Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун яратилаётган шарт-шароитлар замонавий жиҳозланган тикувчилик корхоналарини қўлайтириш, истеъдодли, яратувчанлик қобилиятига эга тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда энгил саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарнинг умумий сони 2 200 дан ошган. Уларнинг аксариятида эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари, спорт либослари тайёрланаётган. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар тури ва ҳажминини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Имкониятлардан унумли фойдаланиб, кийим-кечак ишлаб чиқараётган корхоналар, касаначилар, оилавий тадбиркорлар сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўз навбатида, ҳар бир ишбилармон истеъмолчиларга сифатли, харидорлиқ ҳамда бозор талабига мос маҳсулот тақдим этиш кераклигини яхши англайди.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Niso Tekstil Servis» масъулияти чекланган жамияти — улардан бири. 2010 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган мазкур корхонада айни вақтда болалар учун етмиш турдан ортиқ мавсумбоп кийим-кечак ишлаб чиқарилаётган.

Корхонада дастлаб 15 нафар ишчи йигирма турда маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, бугунги кунда ишчиларнинг сони эллик нафардан ошди.

— Болалар учун кийим бичиш, тикиш жараёни катта масъулият ва эътибор талаб қилади, — дейди корхона раҳбари Мансур Ҳабибалиев. — Шу боис дизайнларимиз гигиеник талаблар ҳамда иқлим шароитини инобатга олган ҳолда либос яратишда. Пахта, ипак каби табиий хомашёлардан фойдаланаётганимиз маҳсулот харидорлигини оширмоқда. Келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва маҳсулотимизни экспорт қилиш ниятидамиз.

Корхонада уч ёшгача бўлган кичкинтойларга мўлжалланган кийимларнинг ранг-баранглиги, дизайни, сифатига алоҳида эътибор қаратилаётган.

2013 йилда бу ерда 400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичнинг 600 миллион сўмдан ошириш режалаштирилган. Бунинг учун яна 10 нафар ишчини ишга қабул қилиш кўзда тутилган. Улар асосан коллеж битирувчилари бўлади.

— Уйимизга яқин жойдаги корхонада тикувчи бўлиб ишлаётганимдан хурсандман, — дейди корхона ишчиси Матлуба Иброҳимова. — Коллежни битириб ишга келган ёшлар бу ерда тажриба ва малака оширмоқда. Бу борада «устоз-шогирд» аъъанаси қўл келмоқда.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига бағишланган форум бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, ёқилга-энергетика, савдо-сармоя, автомобиль соҳаси, транспорт, қишлоқ ва ҳўжалиги, авиатасиёт, божхона, экспорт-импорт, суғурта ва логистика каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компаниялари раҳбарлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азиев, Корея Республикаси иқтисодиёт, гуманитар ва ижтимоий фанлар бўйича миллий тадқиқот кенгаши ижрочи директори Ан Се Ён ва бошқалар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган қелишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб қўйилганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликка янги суръат бахш этди.

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкентда «Кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партияларaro рақобат — парламентаризмни ривожлантиришнинг муҳим шарт» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, ЕХТТ лойиҳалари координаторининг Ўзбекистондаги офиси ва К.Аденауэр номидаги жамғарма (ГФР), «Миллий демократия институти» (АҚШ) нодавлат ташкилотининг ваколатхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда мамлакатимиз парламенти қўли палатаси депутатлари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарни ўтказишдан мақсад ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилашда сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида уларнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда тажриба алмашишдан иборат бўлди.

Тадбирда мамлакатимизда ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштириш, парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга доир амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, Вазирлар Маҳкамаси масъулиятини кучайтириш, давлат органлари фаолияти устувор жамоатчилик ва парламент назорати самардорлигини ошириш кўппартияли тизимнинг ривожланиш даражасига боғлиқ экани таъкидланди.

Замонавий дунёда демократия аҳоли турли қатламларининг ижтимоий манфаатларининг ифода этилган қўллаб-қўллаш партияларидир. Шу боис Ўзбекистонда Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг асосий мақсади кўппартияли тизимдек замонавий демократия институтини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган «Давлат қарорини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»

ми қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари аҳоли турли қатламларининг манфаатларини ифода этилган партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларини ташкил этиш, эркин ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Семинар қатнашчилари партиялар Ўзбекистонда яратилган қонунчилик базасига таянган ҳолда, жамиятдаги туб ўзгаришларнинг ҳал қилувчи ва самарали қўлига айланиб бораётганини таъкидлади. Ўтган давр мобайнида партиялар муайян амалий тажриба тўплади ва сиёсий нуфузга эга бўлди.

— Ўзбекистон қисқа вақт ичида кўппартияли тизимни ривожлантириш йўлида муайян ютуқларга эришди, — деди Германия Федерал ери собиқ бош вазири, К.Аденауэр номидаги жамғарма марказий бошқаруви аъзоси Дитер Альтхаус (ГФР). — Мамлакатимизда бир қанча сиёсий партияларнинг фаолият кўрсатаётгани эътиборга лойиқдир. Уларнинг ҳар бири фаол ривожланиб, ўз аъзолари ва тарафдорлари сафини кенгайтирмоқда, ҳокимият вакиллик органлари ишларида иштирок этмоқда. Бу кўппартияли тизимни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳар томонлама пухта ўйлангани, сиёсий партиялар фаолиятини таъминлайдиган сиёсий-ҳуқуқий чораларнинг нечоғли тўричилиги, уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатаётгани, сайловчилар ва аҳоли томонидан эътироф этилаётганининг ёрқин исботидир.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга доир ишлар хорижий иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур концепция Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг кенг қўламли дастури келажакдаги мақсадлар билан боғлиқ шунчаки декларация эмас, балки муайян чора-тадбирлар тизимидир. Шу нуқтаи назардан, семинар қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги қонун давлат бошқаруви соҳасидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга эканини қайд этди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда саксонга яқин корхона ва ташкилот 800 дан ортиқ бўш ва квота иш ўринлари билан қатнашди.

● Фарғонада «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг фаолияти мониторингини ҳамда маҳаллий кенгашлар сайловига оид қонунчилик» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

● Фарбу шарқни бир-бирига боғловчи Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу автомобиль йўлининг қурилиши жадал олиб борилмоқда. Ушбу халқаро автомагистралнинг 652 километри Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтади. Бу автотрасса қурилишида Тахиатош шаҳридаги кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

● Қибрайда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент вилояти кенгаши, ўрта махсус, касб-хунар таълими, адлия ва ички ишлар бошқармалари ҳамкорлигида «Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

● Асака тумани маданият ва истироҳат боғида туман ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар бўлими ҳамда бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Венгрияда экологик безарар автобус яратилди. «Credo E-Bone» деб номланувчи мазкур транспорт воситасининг зарари ҳақиқатда нолга тенг. У водородли ёқилғи элементлари ва литийли батареялар ёрдамида ишлайди. Айни пайтда эко-автобус синовдан ўтказилмоқда.

● Дунё бўйича планшетларга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Маълумотларга қўра, жорий йилнинг биринчи чорагида халқаро бозорда 57,6 миллион донана шундай техника воситаси сотилган. Бу ўтган йилнинг мазкур давридагига нисбатан 19 фоиз кўпдир.

● Буюк британиялик боғбон Питер Глейбрук оғирлиги 27 килограмм 485 граммга тенг бўлган гулқарам етиштирди. Мамлакат эксперт ва мутахассислари ушбу маҳсулотни чуқур ўрганиб, уни «Энг катта сабзавот» сифатида эътироф этишди.

ҚИСҚА

САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Миробод энгил саноат касб-хунара коллежиде «Энг намунали оила» кўриқ-

танловининг Миробод туман босқичи ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида агросаноат соҳасида рақобатбардошликни ошириш ва экспорт

салоҳиятини юксалтириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Сифатли тиббий хизмат: унда ким

қандай имтиёзга эга? Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида беғул ва пуллик хизмат кўрсатиш тартиб-қоидалари» мавзусида матбуот анжумани уюштирилди.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг вақт синовида ўтган, ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шеригидир. Мунтазамлик касб этган мулоқотлар ва мунтазам иштироқлар тўғрисида давлатларимиз ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда изчил ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳам, Жанубий Корея ҳам иқтисодиёт соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу борада икки мамлакат ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири. Мазкур мамлакатнинг Ўзбекистонга киритган жами сармояси 6 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этувчи 230 дан зиёд ҳужжат имзоланган.

2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бугунги кунда Ўзбекистонда жанубий корейлик ишбилармонлар билан ташкил этилган қарийб 420 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Корейнинг саксонга яқин компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, тўқимачилик ва энгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ҳамкорлигида нефть-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири — Устюрт газ-кимё мажмуаси бунёд этилмоқда.

Форумда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлиги натижалари юқори баҳоланди. Иштирокчиларнинг фикрича, изчил ривожланиётган савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий ҳамкорлик ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, икки мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини бераётди. Дунёда беқарор молиявий-иқтисодий ҳолат давом этаётган бир пайтда Ўзбекистон эришяётган барқарор иқтисодий ўсишга корейлик меҳмонлар юқори баҳо берди.

2006 йил 29 март куни имзоланган мамлакатларимиз ўртасидаги Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация асосида амалга оширилган ўзаро муносабатлар муттасил кенгайиб, янги мазмун билан бойиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хе Евросиё минтақасидаги мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш ташаббусини илгари сурди, — деди Ан Се Ён. — Ўзбекистон Жанубий Корейнинг ушбу минтақадаги асосий шерикларидан бирidir.

Мазкур форум мамлакатларимизнинг турли соҳаларда фаолият юритувчи тадқиқот муассасалари вакилларида давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболлари ҳақида фикр алмашиш имконини берди. Бу ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидандир. Таълим, фан, спорт, маданият, тиббиёт ва сайёҳлик соҳасида ўзаро самарали ҳамкорлик изчил давом этмоқда, талабалар, ўқитувчилар ва мутахассислар алмашиш фаоллашмоқда.

— Президент Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида Ўзбекистон барча соҳада изчил ривожланиб бормоқда, — деди Сеул давлат университетининг глобал ижтимоий масъулият институти директори, Корея Республикасининг собиқ ташқи ишлар ва савдо вазири Ким Сонг Хван. — Мамлакатларимиз ўртасидаги фаол ҳамкорлик барча соҳаларда ўз самарасини бермоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бораётгани эътиборга молик. Ўзбекистон билан ҳамкорлик Жанубий Корея учун муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз билан транспорт, энергетика ва қишлоқ хўжалиги йўналишларидаги ҳамкорликни ривожлантириш жуда муҳимдир. Ушбу форум ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади, албатта.

Анжуманда меҳмонларга мамлакатимизда иқтисодиётни муттасил ривожлантириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш омиллари, молиявий тизимнинг барқарор тараққий этиши борадидаги савдо-харажатлар, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналаридаги қўлайлик ҳамда имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Иштирокчилар мазкур тадбир ўзаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорликка оид кўплаб муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун қўлай имконият бўлганини таъкидлади. Бундай форумларни мунтазам ўтказиш Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларининг узок муддатли манфаатларига хизмат қилувчи муносабатларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиши алоҳида қайд этилди.

Форумда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида транспорт ва логистика, газ саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш каби қатор соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, бу борадаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш омиллари юзасидан фикр алмашилди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий маданий ривожлантириш масалалари ҳамда Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмақлашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги Қарори билан тасдиқланган 2014 йил — «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг бажарилиши ва 2014 йилда ислохотларни янада қучураштиришга доир вазифалар, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»-ги ҳамда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуналарининг ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги

мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини янада фаоллаштириш, болалар ва ўсмирларни турли тўғаракларга, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш ҳамда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш юзасидан депутатлик ишчи гуруҳи ҳисоботи муҳокама қилинди, ушбу Қонуннинг мақсад, мазмун-моҳияти ва вазифаларини аҳоли орасида

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

«Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама баркамол, билимли ва кенг заковатли бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш борасида изчил ишлар олиб борилаётгани таъкидлаб ўтилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт ходимларининг масъулиятини янада ошириш, тизимнинг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича кенг қўламли ахборот-тўшутириш ишларини мунтазам олиб бориш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, барча тегишли бош бошқарма, бошқарма, бўлим ва ташкилотларда ҳамда туманлар ҳокимликларида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган ҳамда ўзаро ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш, бошқарувнинг барча бўғинларида тегишли мутасадди раҳбар ва мутахассисларнинг масъулиятини янада ошириш чораларини кўриш белгиланди.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш юзасидан белгиланган ишлар амалга ошириб келинаётгани таъкидланди.

Бу борада ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига жалб қилиш мақсадида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати фаолиятини янада кенгайтириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини касбга йўналтириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилди. Соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш учун шароитлар яратиш ҳамда ёшларни

кенг тарғиб этиш масаласига алоҳида эътибор лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Пенсия ёши арафасидаги фуқаролар томонидан иш стаж ва ойлик иш ҳақлари ҳақидаги ҳужжатларни йиғиш жараёнидаги муаммоларни бартараф этиш, уларнинг ўз пенсия ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишларини таъминлаш мақсадида, жойлардаги тугатилиш комиссиялари томонидан тугатилган корхона, ташкилотларнинг шахсий таркибга оид буйруқлар ва ойлик маошлар китобларининг архив сақловига тўлиқ топширилганлигининг алоҳида назоратга олиниши тавсия этилди.

Бундан ташқари Пенсия жамғармасининг туман бўлимлари томонидан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Тошкент шаҳар филиали бўлимлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг Тошкент шаҳар филиали бўлимлари орқали тўланаётган пенсия ва нафақалар бўйича мунтазам равишда ишчи гуруҳини тузган ҳолда мониторинг ишларини олиб бориш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш кун тартибидagi масалалар юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Н.Насимов, С.Турабжонов, М.Раҳматуллаева, Д.Исламова, Ш.Азимжонов, Ж.Қўлмухамедов, К.Шокирова, Ш.Тошматов, Т.Матибоев, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Б.Мамажонов, Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Ф.Маҳмудхўжаев, «Маҳалла» хайрия жамғарот фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари А.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Ж.Зуфаров, Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси бошлиғи А.Маҳаммадов ҳамда бошқараларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Йиғилиш якунида кун тартибидagi масалалар бўйича доимий комиссияларнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинарда демократлаштириш изчил ва мунтазам ривожланидиган жараён бўлиб, халқ ҳокимиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, парламент демократияси институтларида сиёсий партиялар вакиллиги учун ҳуқуқий майдонни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди. Шунингдек, янги конституциявий нормалар Ўзбекистоннинг қонун устуворлиги, амалий қўлға эга ҳокимият ва қўли фуқаролик жамияти каби аъёнавий устунларга таянувчи ривожланган демократик мамлакатлар сафига қўшилишдек асосий стратегик мақсадга босқичма-босқич эришишда муҳим қадам экани қайд этилди.

— Ўзбекистонда парламент тизими жадал ривожланмоқда, — деди Жорж Вашингтон университетининг Эллиот номдаги халқаро муносабатлар мактаби профессори Шон Робертс (АҚШ). — Бу мамлакатнинг замонавий парламент тизимини шакллантиришга нақадар жиддий муносабатда бўлаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тараққиётга эришиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга ёрдам беради, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Хорижий иштирокчиларнинг фикрича, Ўзбекистонда мустақил тараққиётнинг қисқа даврида парламентаризмининг бой тажрибаси тўпланган. Бу эса, ўз навбатида, демократик жараёнларни қучураштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат механизмларини самарали ишлашини таъминлашга қўмақлашмоқда. Бу борада амалга оширилган ислохотлар бошқа кўплаб давлатлар учун намуна бўлиши мумкин.

— Парламентаризмни ривожлантиришдаги ислохотлар миллий ижтимоий-сиёсий тараққиёт хусусиятлари ва халқаро ҳуқуқ стандартлари инноватта олинган ҳолда, Ўзбекистон халқининг тажрибаси, бой тарихий ва маданий мероси, қадриятлари ва аъёналари асосида амалга оширилмоқда, — деди Европа халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўлими директори Пьер-Эммануэль Томан (Бельгия). — Мамлакатимизда бундай комплекс ёндашув самарасида тақомиллаштирилган ҳокимият вакиллик органлари тизими ривожланган ва демократик давлатлардаги шундай тизимлардан нафақат қилинмайди, балки қатор кўрсаткичлар бўлиб улардан устун ҳамдир.

«Бой мулоқот» руҳида ўтган муҳокама ақуналирига кўра, халқаро семинар катнашчилари Ўзбекистондаги демократик ислохотлар ижобий самара бераётгани ҳақида яқдил фикр билдирди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучураштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши ҳаётий мизининг барча жаҳалларини демократлаштиришни давом эттириш ва дунёнинг кўплаб давлатлари учун мамлакатни демократия тамойиллари асосида самарали ислохот этиш ва модернизация қилишда намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги таъкидланди.

САВДО МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги «Ўзинфинвест» агентлиги томонидан ташкил этилган Ўзбекистон — Чили бизнес семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги «Ўзинфинвест» агентлиги директори ўринбосари Ж.Абдурахимов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори вазифасини бажарувчи Ж.Мустафоев ва бошқалар чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳамда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспорт салоҳиятини юксалтириш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муҳим устувор йўналиши эканини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкор мамлакатлар, жумладан, Чили Республикаси билан ташқи иқтисодий алоқалари кенгайиб бормоқда. Масалан, жорий йилда икки мамлакат ўртасидаги умумий товар айирбошлаш ҳажми 2012 йилга нисбатан уч баробардан зиёд ошди. Чўнчи, Ўзбекистон Чилига энгил саноат маҳсулотлари экспорт қилмоқда, мамлакатимизга келаётган қилимлик сайёҳлар сони кўпаймоқда.

Тадбирда иштирок этган мамлакатимиз саноат компаниялари вакиллари Чили иқтисодиёти, хусусан, ушбу давлатнинг импорт эҳтиёжларига оид заур маълумотларга эга бўлди. Чили вакиллари мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва инвестицион муҳити, миллий маҳсулотларнинг экспортининг устувор йўналишлари тўғрисидаги тақдимотлар билан танишди.

— Ўзбекистон ва Чили ўртасидаги иқтисодий муносабатлар катта истиқболга эга, — деди қароргоҳи Москвада жойлашган Чили Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Хуан Эдуардо Эгигурен Гусман. — Бугунги семинарда Ўзбекистонда яратилган қўлай инвестицион муҳит ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдик. Ўзбекистонлик саноатчилар ва тадбиркорларни Чилининг иқтисодий имкониятлари билан таништирдик. Тез орада Ўзбекистонда ўз савдо ваколатхонасини ташкил этиш ва Чили тадбиркорларини Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка жалб қиламиз.

(ЎЗА)



Ширкат — ибрат

Бугунги кунда кўп қаватли уй-жойларни талаб даражасида сақлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тақомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар асосида коммунал соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

ОЗОДАЛИК ВА ОБОДЛИКДАН ДИЛ ЯЙРАЙДИ

Кўп қаватли уйларда уй-жой фонди ҳамда унга бириктирилган худудни биргаликда бошқариш, сақлаш ва таъмирлаш учун истиёрий бирлашма сифатида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятининг коммунал соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилганлигини масаланинг мақбул ечими десак, муволажа бўлмайди.

Мавжуд ширкатлар ва бошқарув компанияларининг аксарияти ўз ишини пухта билгани ҳолда вазифаларини сидқидилдан бажариб келишмоқда.

Ана шундай самарали фаолият кўрсатаётган ХУЖМШлардан бири Учтепа туманидаги «Ватанпарвар иноқ коммуналчи» ширкатидир. Икки юз йигирмадан ортқ аҳоли истиқомат қилаётган битта кўп қаватли уйга хизмат қилувчи ширкат томонидан қилинган ишларни бугун намуна қилиб кўрсатса арзийди. Уйнинг кириш йўлакларини тўлиқ таъмирланган. Киришнинг заҳоти инсон кайфиятига ижобий таъсир этувчи турфа гулларга қўзғилтиш тушди. Зина тутқичлари ва деворларига янгидан бўёқ берилган. Кириш эшикларининг ҳар бирига бегона кимсалар киришининг олдини олиш учун кодли қўлфлар ўрнатилган.

— Яшовчиларга қўлайликлар яратиш мақсадида режалаштирилган олиб бормоқдамиз, — дейди «Ватанпарвар иноқ коммуналчи» ХУЖМШ раҳбари Светлана Орлова. — Бунда албатта, аҳолининг иноқлигини, ҳар бир ишни бамаънафат бажарилишини, тўловларни ўз вақтида тўлашини таъкидлаш лозим. Ертўлалар тозаллигига, кириш йўлакларини, ҳовлиларнинг орасталигига доимо эътибор қаратиб келамиз. Ҳар бир йўлакка тозаллик ва тартиб интизомини назорат қиладиган йўлак бошлиғи бириктирилган. Мавсумга тайёргарлик ишларини вақтида бажарганимиз сабабли қиш кунларида муаммага дуч келмадик. Йўл-йўлакка учраган кичик муаммоларни тезлик билан ҳал этиб бормоқдамиз.

Уйнинг ён-атрофини кўриб баҳри-дилнинг очилади. Ҳамма жой тоза ва шинам, қўламзор. Янги ўтказилган йигирмадан ортқ мева ва манзарали дарахтлар, элликдан зиёд гул қўчатлари ва чиройли қилиб шакл берилган деворий

гуллар гўзал бир манзара ҳосил қилган. Мазкур ширкатта қарашли уйда истиқомат қилувчи болажонларнинг уйнаб дам олишлари учун болалар майдончаси мавжуд. Бу ерда ҳар хил аргимочлар, ўйин мосламалари, эртак қаҳрамонлари бўлган ҳайвонларнинг ҳайкалча ва расмлари жойлаштирилган. Шунингдек, ширкат худудида ўтган йили автомобиллар учун автотўроғроқ қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу хайрли ишларнинг барчаси шу ерда яшаётган аҳолининг истаги ва фаол иштироки билан амалга оширилди. Яшовчиларнинг фикрича, уй-жой мулкдорлари ширкатининг энг катта ютуғи, бу — уларнинг ўз уйининг аҳолини яхшилаш учун бир ёқадан бош қилиб қўйиб ҳаракат қилаётганидир. Бу ерда яшаётган ҳар бир одам умумий иш учун дахлдорлигини ҳис қилади. Тўловларнинг деярли 100 фоиз тўланаётгани ҳам уларнинг ўзлари истиқомат қилаётган уйга муносабати ўзгарганидан далолат беради. Масалан, йўлаклар ва атрофдаги худудларни тозалашда барча бирдек ишорат этади.

— Тоза, озода ва тартиб бор жойда яшаш кишига ҳузур-ҳаловат бахш этади, — дейди «Ватанпарвар иноқ коммуналчи» ширкатига қарашли 38-ўйин 54-хонадонда яшовчи Мавлуда Камолова. — Уйимиз мисолида шуни айтишим мумкин, бизга хизмат кўрсатаётган ХУЖМШ бу ердаги тозаллигини сақлаш, ободлаштириш ишларига доимий эътибор қаратиб келади. Шу сабабли уйимиз атрофидagi худуд доимо озода, том ва ертўла таъмирланган. Биз, хонадон эгалари бундан миннатдоримиз, умумий мулкни асраш ҳаммамизнинг бурчимиз эканини англаб, шунга ҳаракат қилмоқдамиз.

Шу ўринда айтиш жоизки, «Ватанпарвар иноқ коммуналчи» ширкатидан ён-атрофдаги бошқа ХУЖМШлар ўрнат олиб, ўз худудларини ободлаштириш, қўқаламзорлаштириш, болалар майдончалари, кириш йўлакларининг озодаллиги ва таъмирланишига катта эътибор қаратишмоқда.

— Ширкатимиз тасарруфидagi кўп қаватли уйда 60 та хонадонда 160 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Хумо сервис плюс» ХУЖМШ раҳбари Дилбар Жаби-



лова. — Ширкатни қабул қилиб олганимга олти ой бўлди. «Ватанпарвар иноқ коммуналчи» ХУЖМШ раҳбари С.Орлова-нинг амалга оширган ишларидан ўрнат олиб биз ҳам шунга ҳаракат қилмоқдамиз. Яқинда янги болалар майдончаси ташкил этиб, аргимочлар ўрнатдик. Уйлар атрофидagi худудлар ободонлаштирилди, дарахтлар экилди, майсазор барпо этилди. 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилинган болалар саломатлигига бўлган эътиборни янада кучайтирди. Шуни инобатга олган ҳолда биз ҳам болалар спорт майдончасини ташкил этишни режалаштирганмиз.

— Тан олиш керак, «Ватанпарвар иноқ коммуналчи» ХУЖМШ томонидан қилинаётган ишлар таҳсинга лойиқ, — дейди «Шодлик сервис плюс» ХУЖМШ раҳбари Аскар Келдиёров. — Ширкат ҳамда унга қарашли ўша истиқомат қилаётган аҳолининг иноқлиги, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, озодалликка эътибор қаратиш, ён-атрофини қўқаламзорлаштириш, бир сўз билан айтганда бўлсақ ўзи яшаб турган жойга беэътибор эмаслиги бошқаларга ҳам ўрнат ва намуна бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, пойтахтимизда коммунал соҳани ривожлантириш ва худудларнинг санитария аҳолини яхшилаш нафақат кўп қаватли уйларга яхши хизмат кўрсатиш ва уларни самарали бошқариш, балки турар жой даҳалари худудларини ободонлаштиришга ҳам боғлиқдир.

Халқимизда «Еринг ободлиги эл билан» деган аjoyиб нақл бор. Зеро, яшаб турган жойимизнинг озода ва қўқамлиги маҳалламиз ободлигига, маҳаллалар қўқамлиги шахримизнинг тоза, обод ва чиройлига чирой қўшади. Шундай экан, буни фақат маъсул шахсларнинг ишб де ҳисобламайлик, балки ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим.

Абдуалим САЛИМОВ
СУРАТЛАРДА: Учтепа туманидаги «Ватанпарвар иноқ коммуналчи» ХУЖМШнинг худуди мана шундай озода ва обод

Ислам Исмоилов олган суратлар

Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги олдидан

Ўзбек миллий театр санъати бутун ўз тараққиётининг янги даврини бошидан кечирмоқда. Бу босқич 1991 йилдан – мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бошланди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ота-боболаримизнинг бебаҳо меросига ва умуминсоний қадриятларга таянувчи, мустақил фикрловчи, маънавияти бой ва соғлом авлодни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Маънавият, маданият ва санъат ривожига ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Театр санъати ижодкорлари ана шу муҳим масалани бош вазифа сифатида қабул қилди. Ўзбек халқининг бадиий мероси бутун ранг-баранглиги ва хилма-хиллиги билан театр сахнасида тўла-тўқис намоён бўла бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1995 йил 20 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда театр ва музыка санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 1998 йил 26 мартда имзоланган «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонлари юртимиз маданий ҳаёти, театр санъати тарихида катта воқеа бўлди.

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида Президентимиз Ўзбек давлат академик драма театри биносини реконструкция қилиш ташаббусини илгари сурди ва кўп ўтмай маҳаббатли қоша-на янги қиёфада чирой очди. 2001 йил 30 август кунини ана шу санъат қошасининг очилиш маросимида нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари театрнинг шонли тарихига юқори баҳо берди. Ўзбек театр санъатини юксак поғоналарга кўтарган, буюк санъаткорларни етказиб берган ушбу кўтлуғ даргоҳга «Миллий театр» макomini беришни таклиф этди. Бу таклиф жамоатчилигимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, 2001 йил 21 сентябрда Президентимизнинг «Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» макomini бериш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Бу отахон театр жамоаси хизматларининг эътирофи, мамлакатимизда театр санъатига кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин намоёни бўлди. Санъат намоёндаларини кўтаринки илҳом ва масъулият билан ижод қилишга, миллий истиқлол ғоялари руҳида юксак савияли асарлар яратишга ундади.

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида театрда қўйилган спектаклларда ўша йиллардаги воқелик учун муштарак тамойиллар кўзга ташланади. Бу даврда мамлакат ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар моҳиятини очиб бериш, янгилаб бораётган ижтимоий-маънавий жараёнларни таҳлил этиш, буюк аҳдодларимизнинг ҳаёти ва миллий анъаналаримизга мурожаат қилиш кўчади.

Бу даврда миллий ўзликини англаш ҳамда янги ифода воситаларини топишга қаратилган спектакллар қўйилди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов пьесаси асосида режиссёр Олимжон Салимов сахнага қўйган «Соҳибқирон», драматург Хайитмат Расул ва

режиссёр Валижон Умаров ҳамкорлигида яратилган «Пири коинот» спектакллари ана шундай асарлар сирасига кириди.

«Соҳибқирон» спектакли фалсафий-романтик йўналишда ички драматизм, персонажларнинг нозик руҳий кечинмаларини акс эттирган ҳолатда талқин этилди. Режиссёр буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихий сиймоси, унинг мураккаб ва изтиробли кечинмаларини очиб беришга муваффақ бўлган. Амир Темур ролини ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов қаҳрамоннинг қиёфаси ва феъл-атворини яратишда ҳаққонийликка эриша олган.

Театрда ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ва икки мингинчи йилларда қўйилган қатор спектаклларда яқин ўтмиш – юртимизнинг XX аср бошларидаги ҳаёти, ижтимоий-тарихий воқелик ўз ифодасини топди. Илгари жамоатчилик диққат-эътиборидан четда қолган ёки сохталаштириб талқин этилган бу замон мафкуравий чекловлар олиб ташланган шароитда янгича бадиий ид-рок қилинди. Халқимизнинг ўша даврдаги оғир ва фожияли кечимиш, маърифатпарвар инсонлар, қатагон

МИЛЛИЙ ТЕАТР
ФАОЛИЯТИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

қурбонларининг тақдири жонлантирилди.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг Чўлпон тақдирига бағишланган «Кундузсиз кечалар» пьесаси асосида Валижон Умаров сахнага қўйган спектакль тарихий мавзуга мурожаат этишининг ўзига хос намунаси бўлди. Бош роль ижрочиси Мухаммадали Абдуқундузов Чўлпон ўз даври учун қандай сиймо бўлганини тегаран тушунади, шоирнинг иқтидори ва ҳаётий эътиқодини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Табиатан вазмин, юксак маданиятли, мулоҳазакор инсон қиёфасини яратди. Асоссиз ҳақоратлар, хўрланшлар жонжонидан ўтиб кетган, шоирнинг сабр-тоқати тугаган яқиний сахнада актёр жўшқин қиёфага кириб, тузумнинг қонхўрлигини баралла фаш этди.

Истиқлол йилларида театрда миллий насрий асарларга эътибор қаратилди. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён», Фафур Фуломнинг «Шум бола» қиссаси ва ҳикоялари, Саид Аҳмаднинг «Уфқ» асарлари асосида спектакллар қўйилди.

Замонавий мавзуда Одил Ёқубовнинг «Бир қошона сирлари», Усмон Азимнинг «Бир қадам йўл», Ёркин Хушвақтовнинг «Чимилдик», Санжарали Имомовнинг «Шайтон ва фаришта» пьесалари асосидаги спектакллар сахна юзини кўрди.

Шекспир драматургияси Миллий театр учун ижодий мактаб вазифасини ўтар келган. Шу боис, вақти вақти билан буюк драматург асарларига мурожаат

қилиш анъанаси давом эттирилиб, 2003 ва 2004 йилларда жамоа «Гамлет» ва «Эз туни гаройиботлари» пьесаларини сахнага олиб чиқди. Сахналаштирувчи режиссёрлар Турғун Азизов ва Авлиёқули Хўжақули икки қарама-қарши жанрдаги трагедия ва комедия асарларига мурожаат этсалар-да, ўрта асрлар эътиросларини бугуннинг қарашлари билан уйғунлаштиришга эришди.

Хориж драматургияси Миллий театрда тарихий анъаналар давоми ўлароқ яшайди ва жамоанинг ижодий ўсишида муҳим аҳамият касб этди. «Макр ва муҳаббат» (Шиллер), «Донишманд Натан» (Лессинг), «Дарактлар тик туриб жон беради» (Александр Кассоне), «Тун албатта ўтади» (Эдуардо де Филиппо), «Чегара устидаги уй» (Светослав Мрожек), «Халалар» (Рашод Гунтекин), «Энг сулув келинчақ» (Сейт Болгабоев), «Омон бўлгин, азизим!» (Вил Дельмар) каби жаҳон драматургиясининг сара намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Театр жамоаси М.Хайруллаев, Ҳ.Мухаммад, А.Иброҳимов, У.Азимов, Ҳ.Расул, Э.Аъзамов, Р.Мухаммаджонов каби ўзбек драматургиясининг етук вакиллари, Э.Хушвақтов, С.Имомов, Н.Аббосхон, С.Сирожиiddинов, Қ.Норқобил, З.Солиева каби ёш драматурглар билан ҳамкорлик қилиб, бу соҳада ҳам азалдан илдиз отган анъаналарни, Миллий театрнинг драматурглар учун «ижодий лаборатория» сифатидаги вазифасини давом эттириб келмоқда.

Мустақиллик йилларида театрнинг қиёфасини ташкил этадиган асосий спектакллар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров томонидан сахналаштирилди. У дастлаб режиссёр, сўнгра бош режиссёр сифатида театр репертуарини бойитиш, унда миллий ва хориж драматургиясининг энг яхши намуналарини муҳассам этишга интилди. Ёш актёрларнинг спектаклларда банд бўлиши, ижодий камолоти учун хизмат қилдиган асарларни сахнага олиб чиқди. «Огоҳ бўлинг, одамлар», «Ойдин» каби бугунги куннинг долзарб масалаларига бағишланган, ёшларни ҳушёрликка қорлайдиган, публицистик пафосдаги ижро ва ифода воситалари билан йўғрилган сахна асарлари яратишга муваффақ бўлди. Айни чоғда бу Миллий театр жамоасининг ижтимоий ҳаёт билан ҳамнафас қадам ташлаётганидан далолатдир.

Миллий театр жамоаси мамлакатимиздаги барча театрлар учун намуна ўлароқ домий изланишда. Нафақат Ўзбекистон, шу билан бирга Марказий Осиёдаги энг кекса ва шонли анъаналарга бой жамоа сифатида ҳам шуҳрат топган.

Президентимизнинг «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори санъат аҳлини, бутун халқимизни ғоят қувонтирди. Бу қарор театр жамоаси зиммасига янада улкан масъулият юклаши билан бирга, унинг анъаналари бардавомлигига, томошабинларнинг, аввало, ёш авлоднинг маънавий камолотига хизмат қилади.

ШУХРАТ РИЗАЕВ,
филология фанлари
номзоди, доцент.
(ЎзА)

Болалар бу оламнинг энг беғубор, беозор гулгунчалари. Улар билан ҳаёт гўзал, умр мазмунли, кўнглилар хотиржам ва шоддир. Баъзан фарзандларимиз бетоб бўлиб қолса кўзларимиз эмас, юракларимиз йиғлайди. Шифо топганда эса кўнглиларимиз қувончга, уйимиз файдга тўлади.

2014 йил — Соғлом бола йили

ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧГА
ТЎЛДИ

Бироқ ён-атрофимизда кўнгли ўқсик, ногирон, парваршиш ва ёрдамга муҳтож болалар ҳам мавжуд. Қурбонлов номидаги Республика болалар психоневрологик шифохонаси ана шундай бемор болажонларга сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиб келаётган муассасалардан биридир.

Яқинда ушбу тиббиёт масканида даволанаётган болаларнинг кўнглини кўтариш, қувончи лаҳзаларни бахш этиш, шу билан бирга уларга руҳий мадад бериш мақсадида Учтепа туманидаги, Республика ихтисослаштирилган санъат-мактаб-интернати томонидан хайрия концерти ва расмлар кўргазмаси уюштирилди.

Тадбирда санъат мактаби ўқувчилари ўзларининг дилрабо куй ва қўшқилари, дилбар рақслари билан шифохонада даволанаётган болажонларнинг хафта вужудларига малҳам, қалбларига эса бир олам завқу шавқ улаштирди.

Доирачилар ва дуторчилар ансамблининг майин навалари, шўх рақслар ва хор жамоаларининг мароқли чиқишлари концерт дастурининг юқори савияда ўтишини таъминлаб берди. Айниқса, 9-синф ўқувчилари Акмал Қорабоевнинг скрипкада, Хилола Абдулатторованинг виолончелда чалган куйлари олқишларга сазовор бўлди.

— Бу хайрия тадбири фарзандимга жуда ҳам манзур бўлди, — дейди Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида истикомат қилувчи Шахло Иномова. — Ўғлим Азизбекнинг оёғини ушбу шифохонада операция қилишди. Энди бир ой давомида шу муассасада даволанади. Ҳозир аҳоли анча яхши. Унинг кўзидаги қувончни кўриб, биз ҳам шод бўлдик. Ушбу тадбирни ташкил қилган мактаб-интернат ўқувчилари ва ўқувчиларига даволанаётган бола-

жонлар ва уларнинг яқинлари номидан миннатдорчилик билдираман, илоҳим ҳеч бир онанинг фарзанди касал бўлмасин...

Тадбир давомида тарқатилган совғалар кўнгли ярим, бемор болажонларга кўтаринки кайфият бағишлади.

— Болалар шодлиги-ю, кулгисига шерик бўлишга нима етсин, — дейди Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати директори Сомий Содиқов. — Бу шифохонага тез-тез келиб, хайрия тадбирларини ўтказиб тураемиз. Шифохонага келгунимизда ўқувчиларимизнинг шўх-шодон қий-чувлари автобусни тўлдириб юборади. Қайтишимизда эса ўқувчиларимиз ўйга толган ҳолда сокин ҳаёлларга берилашади. Бундай тадбирлар нафақат ногирон болалар қалбига қувонч ҳадя этади, балки мактабимизда таҳсил олаётган ўқувчиларимизнинг ҳаётга тегаран нигоҳ билан назар ташлаш, Ватанини севиш, ҳар бир ўтаётган кунимизга шукроналик туйғуси билан қараш, соғлиқларига бефарқ бўлмаслик ҳамда келажақ сари дадил қадам ташлашини ҳам таъминлайди.

Ҳа, аслида шу муқаддас заминда туғилишининг ўзи буюк бахт. Юртимизда камол топаётган ҳар бир ёшнинг бахтли келажаги, нурафшон эртаси йўлида давлатимиз томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Қурбонлов номидаги Республика болалар психоневрологик шифохонасида ҳам ёш авлоднинг соғлигини тиклаш, бекаму кўст даволаш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда. Юртимизда ногирон, меҳр-муруватга муҳтож болаларга барча имкониятлар яратилган, соғлиги муҳофазда. Энг асосийси, улар омон бўлсинлар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Фестиваллар

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ
АВЛОД

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш ёшларни келажаққа ишонч, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини улар онгига чуқур сингдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтидорли, ижодкор ёшларни аниқлаш йўлида ташкил этилган «Юксак маънавиятли авлод» фестивали ҳам шундай хайрли мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади. Айни вақтда ушбу фестивалнинг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Тошкент туризм касб-ҳунар коллежида Юнусобод туман маънавият ва маърифат кенгаши, маънавият тарғибот маркази, маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Юксак маънавиятли авлод» фестивалининг туман босқичи ташкил этилди.

Тадбир давомида «Бадиий ижод», «Энг иқтидорли ҳунарманд», «Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом», «Ўз асарида миллийликни акс эттирган дизайнер» ва «Ватан кўйчиси» каби номинацияларда 14-25 ёшгача бўлган иштирокчилар бор маҳоратларини намоён этишди. «Энг иқтидорли ҳунарманд», «Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом», «Ўз асарида миллийликни акс эттирган дизайнер» номинациялари бўйича иштирокчиларнинг кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кўргазмага қўйилган ижод намуналари ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Тадбирда дизайн коллежи ўқувчилари Муслима Жўраева, Мадина Қосимова, Шоҳсанам Назарова, Дилором Ходжаева дизайн ва рассомчилик йўналишлари бўйича голибликка муносиб деб топилди.

Тошкент туризм коллежи ўқувчилари Мирёқуб Фаниев, Шаҳноза Ибрагимовалар эса ҳунармандчилик ва бадиий ижод йўналиши бўйича голиб бўлишди.

Тошкент радиотехника коллежи ўқувчиси Эрнес Менгязов ҳунармандчилик, Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти талабаси Иқболжон Атоева бадиий ижод йўналишида, мазкур институт қошидаги академик лицей ўқувчиси Севара Ҳакимова «Ватан кўйчиси» номинацияларида юқори натижаларга эришди.

Голиблар «Юксак маънавиятли авлод» фестивалининг шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.

Тадбир доирасида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Юнусобод туманидаги 22-сонли маданият ва аҳоли дам олиш маркази санъаткорлари иштирокида концерт дастури ташкил этилди.

— Танловда голиб чиққанлардан бениҳоя хурсандман, — дейди Тошкент Давлат шарҳунослик институти қошидаги академик лицей ўқувчиси, «Ватан кўйчиси» номинациясида голибликни кўлга киритган Нигина Орипонова. — Мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган бундай имкониятлар, нотиқлар, эртаси нурафшон ҳаёт ва келажақ-порлоқ истиқболимиз муҳассам. Бу каби тадбирлар бизларни келажақ сари дадил қадам ташлашга, изланиш ва ўз устимизда ишлашга қорлайди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай танлов замирида эзгуликка йўғрилган, мақсадли режаларни қамраб олган, истиқболли порлоқ ишлар муҳассам. Улар ёшларни нурли келажақ сари қорлайди. Шу билан бирга уларни изланишга, интилишга, ўз устида ишлаш ва имкониятлардан унумли фойдаланишга ундайди.

«Юксак маънавиятли авлод» фестивалининг ташкил қилиниши ҳам ёшлар маънавий дунёқарашининг шаклланиши ва тегаранлашувига хизмат қилади.

Гулнор САТТОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ
ВА КОНСТРУКТОРЛИК
БЮРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси лойиҳа бўйича танлов ўтказди.

Лойиҳа танловида иштирок этиш учун автобус ювиш қурилмасининг кўргазма тасвири (чизмаси), техник-иқтисодий кўрсаткичи ва таннарх ҳисоб таҳлили бўлиши шарт.

Танлов шу тўғридаги эълон матбуотда чоп этилганидан сўнг 20 кун ўтгандан кейин ўтказилади.

Танлов голиби билан лойиҳалаштириш шартномаси тузилади.

Танловда иштирок этиш ва маълумот олиш учун манзил: Тошкент ш. Амир Темур, 1-тор кўчаси, 6-уй, 6-қават, 603-хона, тел. 233-57-07

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг 2013 йил 15 июнда ўтказилган умумий мажлисида қабул қилинган №202 қарорга мувофиқ, 1998 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтган, 329 сонли гувоҳнома берилган «Ўзбекистон — Молдова» дўстлик жамияти тугатилганлиги маълум қилинади.

Давролар 2014 йил 1 майдан бошлаб икки ой муддат ичида қабул қилинади.



Устозим изидан бораман.

Отабек Мирсоатов олган сурат

ҲАР ТОМОНЛАМА
ФОЙДАЛИ АНЖУМАН

Маълумки, бугунги кун ҳар бир касб соҳибининг чуқур билимли, интилувчан, изланувчан, шу билан бирга техника асрининг барча технологиялари билан бемалол тиллаша оладиган, ҳуқуқий саводхон ва юксак салоҳиятли бўлишини талаб этмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ва туман бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги, қолаверса касб малакаси, ташкилотчилик қобилиятини ошириш, ўзаро таъриба алмашишларини таъминлаш мақсадида икки кунлик ўқув семинари ташкил этилди. Анжуман давомида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остида» китоблари ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир» номи маърузасининг мазмун-моҳияти, улардаги асосий ғоялар ва устувор вазифаларни маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликка етказиш ва шу каби долзарб масалалар бўйича маърузалар тингланди, Савол-жавоблар, фикр-мулоҳазалар орқали олган билимлари мустаҳкамланди.

— Маҳалла аҳоли ҳамжиҳат яшайдиган, барча катта-кичик масалалар жойида аҳиллик билан ҳал этиладиган, ҳаётимиз давомчилари бўлган фарзандларимиз учун катта ибрат мактаби бўлган муқаддас маскан, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими раиси Жовдат Иноғомов. — Шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини акс эттирадиган кўзга ҳамдир. Шундай экан, ўтказилаётган ўқув семинарларида иштирокчилар ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва касбга йўналтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудни ободонлаштириш, энг асосийси, жамиятда тинчлик-хотиржамликни таъминлашга ҳисса қўиш борасида ҳам билим ва кўникмаларини оширадилар.

Ишчанлик, кўтаринкилик руҳида ўтган ушбу анжумандан олинган сабоқлар ишонимли, келажақда олдимизга қўйилган вазифаларни оғишмай амалга оширишга хизмат қилади.

Шоира МУХАМЕДОВА

ФАВВОРАЛАР — ШАХРИМИЗ КЎРКИ



Тошкент фавворалари аллақачон пойтахтликлар ва меҳмонлар севиб ҳордиқ чиқарадиган гўзал маскан, шаҳримизнинг энг диққатга сазовор жойларига айланган. Айниқса, ёз пайтларида фавворалар нафақат ўз чиройи, балки ён-атрофга салқинлик, тоза ҳаво бахш этиши туфайли доимо одамлар билан гавжум бўлади.



Юртбошимиз раҳнамолигида Тошкент шаҳрида кенг қўлми бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Мустақиллик шарофати билан пойтахтимиз тобора янгилади, замонавий мегаполис шаҳарга айланди. Бугунги кунда пойтахтимизда 60 дан ортиқ ранг-баранг фавворалар мавжуд.

БУГУН шаҳримизда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази ва «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида «Фавворалар сайли» бўлиб ўтмоқда. Ёш авлоднинг маънавиятини ошириш ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни гўзал анъаналар руҳида камол топи-

тириш мақсадида ўтказилаётган сайил давомида энг хушманзара, бетакрор ва жозибали фавворалар атрофида ташкил этилаётган оммавий-маданий тадбирлар албатта шукроналик ва гўзаллик сайлига айланиб кетади. Зеро, азим пойтах-

тимизга ўзига хос жозиба ва файз-тароват, атроф-муҳитга мусаффолик бахш этаётган фаввораларни халқимиз эзгу ниятлари ижобатининг яққол яна бир намунаси эканлигини эътироф этамиз.

Дилмурод Исмоилов

«КАМОЛОТ» КУБОГИДА ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ

«Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан тумандаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган ўсмирлар ўртасида «Камолот кубоги – 2014» футбол мусобақасининг туман bosқичи бўлиб ўтди.

Маъмур мусобақа юртимизда оммавий спортни ривожлантириш, ёшларни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

Унда туманда жойлашган Тошкент банк ҳисоб-кредит,

2-Тошкент юридик, Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика, Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш, Тошкент автомобиль ва йўллар, Тошкент транспорт ва Чилонзор матбаа касб-хунар коллежлари ҳамда ТДИУ қошидаги ва С.Сирожиiddинов номидаги Чилонзор

академик лицейларининг ўқувчи ёшларидан ташкил топган футбол жамоалари иштирок этди.

«Камолот кубоги – 2014» футбол мусобақаси уч кун мобайнида давом этиб, бунда жамоалар ўзаро куч синашишди. Биринчи кун 162, иккинчи кун 202, учинчи кун 126-сонли умумий ўрта таълим мактабларида бўлиб ўтган беллашувлар натижаларига кўра биринчи ўринни Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежининг «Ёш банкирлар», иккинчи ўринни ТДИУ қошидаги Чилонзор академик лицейининг «Риал» ва учинчи ўринни 2-Тошкент юридик коллежи жамоалари қўлга киритди.

Ғолиб жамоа «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгашининг дипломи, «Камолот кубоги», махсус медал ҳамда ўшбу мусобақанинг шаҳар bosқичи йўлнамасига эга бўлди.

Зафар НАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'Р TARMOQI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси bosқичма-bosқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 19.12.2013 йилдаги 1-876-13-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган қўйидаги қўмас мулк қўйилмоқда: Бошланғич нархи – 53 529 325 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 18-мавзеси, 13-ўйда жойлашган яшаш майдони 28,81 кв.м. бўлган 46-ўй (турар жой), Утепа тумани СИБ томонидан 03.02.2011 йилдаги 1-55-11-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган қўйидаги қўмас мулк қўйилмоқда: Бошланғич нархи – 206 255 418 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Утепа тумани, Шароф 12-тор кўчасида жойлашган умумий ер майдони 1016,0 кв.м., қурилиш ости майдони 572,0 кв.м. бўлган 1 қаватли қурилиш тугалланмаган бино ва иншоот (нонвойхона).

Аукцион савдолари 2014 йилнинг 3 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ўшбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «КО'Р TARMOQI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ нинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевоcита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кўнлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

«SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖда 2014 йил 31 мартдан 2014 йил 30 апрелгача ўтказилган Кимошди савдолари натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
31.03.2014	Бекобод т. СИБ	1986 й. и.ч. «Камаз» д.р. 11K3293	7 406 364	7 950 000
		1981 й. и.ч. «Камаз53212» д.р. 10R639AA	7 343 451	7 850 000
		1978 й. и.ч. «Камаз5320» д.р. 11L2685	6 225 921	6 750 000
	Олмалик ш. СИБ	1999 й. и.ч. «Нексия» д.р. 10B691FA	16 817 000	17 950 000
		2009 й. и.ч. «Матиз» д.р. 10W977DA	16 000 000	17 050 000
04.04.2014	Бўстонлик т. СИБ	2000 й. и.ч. «Ваз21060» д.р. 11AF567	6 086 114	6 490 000
08.04.2014	Оққўрғон т. СИБ	2009 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01F913CA	19 125 125	20 400 000
	Зангиота т. СИБ	«Уаз452» д.р.сиз	1 107 549	1 700 000
		1982 й. и.ч. «УралМ67» д.р.сиз	404 936	440 000
	Қибай т. СИБ	1986 й. и.ч. «Уаз330301» д.р. 11F3391	552 115	605 000
		1981 й. и.ч. «Газ66» д.р. 11W6468	1 902 650	2 100 000
		1983 й. и.ч. «Камаз5320» д.р. 12F8529	9 493 013	10 100 000
		«Тико» д.р. 10680GAA	6 830 000	7 250 000
11.04.2014	Пискент т. СИБ	1984 й. и.ч. «Камаз5320» д.р. 11Z9600	1 898 619.24	2 050 000
		1982 й. и.ч. «Автомобиль» д.р. 11AC399	5 665 751.55	6 500 000
14.04.2014	Оққўрғон т. СИБ	«Т-28 Х-4» д.р.сиз	1 471 050	1 620 000
	Қибай т. СИБ	1990 й. и.ч. «Ваз21063» д.р. 10A321EA	8 001 180	8 610 000
21.04.2014	Янгийул т. СИБ	1986 й. и.ч. «Газ52» д.р. 10W670CA	1 746 000	1 870 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Тафаккур 1-тор кўчаси, 2-ўй, 1-хонадон.

Телефон/факс: (871) 215-54-59.

Мамлакатимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни соғлом ва етук инсонлар этиб камолга етказишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жорий йилнинг Соғлом бола йили деб номланиши ҳам бу борадаги хайрли ишлар қўламининг янада кенгайишига имкон яратмоқда.

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳам болалар соғлигини яхшилаш мақсадида кўплаб тиббий-ижтимоий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширмоқда.

Жумладан, яқинда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва халқаро хайрия фонди ташаббуси билан Тошкент Педиатрия-тиббий институти клиникасида Бюет Республикасининг «Junior Chamber International JCI» халқаро ёшлар ташкилоти вакиллари, ЧА университети қошидаги «Пундан Ча» госпитали мутахассислари ва юртимиз шифокорлари юрагида тугма нуқсон бор болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди.

Чет эл тиббий муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган тиббий кўрик ва муолажалар турли касалликларнинг олдини олиш, болажонларни соғломлаштириш ва ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Германия ва Жанубий Корея мамлакатларининг

нуфузли университетлари қошидаги госпиталларда бемор болалар бепул соғломлаштирилмоқда.

— 2014 йилнинг Соғлом бола йили деб эълон қилиниши ва Давлат дастури доира-сида Ўзбекистонда изчил ислохотлар амалга оширилаётганидан хабардоримиз, — дейди «Пундан Ча» госпитали профессор Лим Санг Ёнг. — Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ишлар дунё мамлакатлари эътирофига сазовор бўлмоқда. Педиатрия тиббиёт институти клиникасида ҳам болаларнинг саломатликларини тиклаш, уларни турли лаборатория текширувларидан ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган экан. Бу эса, тиббий кўриқнинг аниқ ва самарали ўтишини таъминлайди.

Тиббий кўрик жараёнида касаллиги аниқланган болалар мамлакатимиз ва Жанубий Корея давлати клиникаларида соғломлаштирилади.

(Ўз мухбиримиз)

Ўз-Ўз ўрганиш домо бўлиб

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Саодат — қаноатда.

Худбин нодондан хавфли.

Ўзига ишонган ҳеч нарсадан чўчимайди.

Курашишга чоғи келмаган ён бериб кўя қолади.

Ўз ҳаддини билмаслик хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Умидсиз киши тушкун бўлади.

Ўзига ишонмаган ҳаммадан хавфсирайди.

Яхшилиқни дарҳол ҳисоб-китоб қилиш шарт эмас, имкон ва фурсат топиб ҳам қайтариш мумкин.

Қаноатнинг кўзи юмилса, нафснинг иштаҳаси очилади.

Ҳеч бир асос бўлмагани ҳолда шубҳаланавериш — руҳий хасталик аломати.

Ўзига ишончи йўқнинг ҳаётда қувончи йўқ.

Бир томчи захар бир қозон овқатни бузганидек, заррача шубҳа ҳам ҳаётингни издан чиқаради.



иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 2 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити

Тошкент шаҳрида 2 май куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ҳарорат — 15-17 даража илқ, кундузи — 27-29 даража паст бўлади.



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1 рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитинга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сэхифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 556

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11615 нускада босилди. Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 14.10